(1592- тахм. 1651)
(1642-1645)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. 1606-1642-йилларда Бухоро хокими бўлган. Унинг даврида мамлакатда ички низолар кучайиб, хатто фарзандлари (12 та огли) хам унга бўйсунмай кўйган. Бунга унинг ўта такаббурлиги, милк-мулкка ўчлиги, кайсарлиги сабаб бўлган. Бу эса ахолининг умумий норозилигини келтириб чикарган. Бундан ташкари, Шимолдан кўчманчилар мамлакат худудига хужум килиб уни талон-тарож этмокда эдилар. Надрмухаммадхон уларга карши ўгли Абдулазизни юборади. Бирок Надрмухаммадхондан норози амирлар харбий сафар чогида Абдулазизни хон деб эълон киладилар. Бундан хабар топган Надрмухаммадхон Балхга кетишга мажбур бўлган ва Бобурий Шохжахондан ёрдам беришни сўраган Шохжахон икки ўгли (Муродбахш ва Аврангзеб) ни катта кўшин билан Балхга жўнатиб, уларга вилоятни босиб олишни топширади. Бобурийларнинг ниятидан вокиф бўлган Надрмухаммадхон уларга карши чикиб, Маймана йўлида жангда енгилади ва Эронга шох Аббос II панохига кочади ва у ерда икки ярим йилча колиб кетади. Бобурийлар Балх вилоятини икки йил горат килишган. Мутассил жанглар, мамлакатдаги очарчилик, каттик киш Хиндистонлик аскарларга салбий таъси кўрсатган. Шохжахон аскарларини Хиндистонга чакириб олишга мажбур бўлади. Балхни эса Эрондан таклиф этилган Надрмухаммадхонга топширади. Бу Надрмухаммадхоннинг ўгилларини яна ташвишга солиб, уларни бирлашишига мажбур килган. Абдулазизхон укаси Субхонкулини Балхга ноиб этиб тайинлайди (1651). Надрмухаммадхон тахтдан воз кечиб, Маккага, хаж сафарига кетишга мажбур бўлади ва йўлда вафот этади. Мадина якинидаги акаси Имомкулихон кабри ёнига дафн этилган. Махмуд ибн Вали Надрмухаммадхон фармони билан машхур асари - ,,Бахр ул-асрор” (,,Сирлар денгизи”) ни ёзади.